

Рабиндранат Тагор хинд адабиётининг энг йирик санъаткорларидан бири. Тагорни дунё билади. Буюк шоир, ёзувчи, драматург, файласуф, маъри фатчи ва тенгсиз ватанпарвар сифати да Тагор жахон гражданидир. У хинд бадий тафаккурини янги ва юксак поғонага кўтаришда Сўзни виждон овозига айлантирган адиб. Тагорнинг ижод тажрибалари, бошдан-охир Хакикат ва Жасорат тажрибалари, Тагорнинг жасорати боскинчиликка к арши чиқишданмас, боскинчиларни танишдан бошланади. “Боскинчилар жуда кўп дунёга келиб туради,– де ган эди адиб, лекин уларни бирданига пайкаш мумкин эмас, замон ва макон жихатидан шароит бўлмагандан ке йин улар кўп вақтгача ўзларини бил дирмасдан юрадилар». Лекин инглиз мустамлакачиларининг асл башара ларини танишда Тагор хеч пайт хато қилмаган. Бунда у тугилиб вояга ет ган оила мухитининг роли ва таъсири ҳам ж уда катта эди.

Ёзувчи 1861 йил 7 майда Бенгалияпииг пойтахти Калкутта шаҳрида дунёга келган. Тагорга бағишланган адабиётларда қайд этилишича, унинг бобоси Дварканатх XIX аср бошлари да яшаган буюк хинд маърифатпар вари Раммохан Ройнинг якин дўсти ва сафдоши бўлган. Ёзувчининг отас и, акалари, оналари аеа дунёқараш

лари кенг, билимдон ва талантли кишилар эдилар. Тагор хотиралар кито би ва маколаларида отаси тўгрисида кўпгина миннатдорчилик сўзларини ёзиб қолдирган. У бир ўринда кўр-кўрона инглизпарастлик авж олган ша роитларда ҳам отаси болаларини аж набий мактабларда ўқитмаганлиги, агар шундай ходиса содир бўлганида, биринчи дарсдаёқ ўттиз икки маъна вий тишидан ажралиши мумкин экан лигини гаирган. Она тилига мухаббат ва эътиқод ёзувчида мана шундай бошланган. Ва у сўнги нафасигача бенгал тилининг эрки ҳамда ривожи учун тинимсиз курашган. Бугина эмас. Мустамлакачилар хинд халки орасида ўз тилларининг мавқеини кўтариш орқали «кони ва танининг ранги бўйича хинди», лекин «диди, ахлоки ва ахлининг хусусияти бўйича гирт инглиз бўлган» зиёлилар табакасини юзага келтиришдан гоятда манфаатдор эдилар. Бу – уларнинг таълим-тарбиядан кўзлаган ички сиёсат лари бўлиб, бундай найранглари ҳам Тагор аёвсиз фош қилганди. Шунинг учун Тагор дунёкарашида миллий тилга эҳтиром – миллатга, ватанга, тарих ва келажакка садокат билан теппа-тенг тушунчадир.

Тарихдан аёнки, инглиз савдогарлари хиндларни бўйсундириб олмок мақсади билан 1757 йилда Хиндис тонга илк кадамларини босган эдил ар. Шундан бошлаб қадимий хинд тупроги қарийб икки юз йил давоми да инглиз буржуазияси оёғи остида қолди. Хиндистон иқтисодий жихат дан талон-тарож қилинди, маданий ва маънавий имтиёзлари исқанжага олинди. VIII асрнинг 70-80йилла рида инглиз мустамлакачиларига қарши Бангол декконларининг даст

лабки  
катта  
кўзголонлари  
бўлди. Ке  
йин аста-секин бутун Хиндистон  
зулм-зўрликка карши кураш, хужум  
кор кўзголонлар ўчогига айлана бор  
ди. Мамлакат бойликларининг таланиши, миллий гурурнинг янчилишига х  
инд халки ортик токат килолмай  
колди. Хиндистондаги миллий уйго  
ниш харакатлари 90-йиллардан сўнг  
Тагор  
ижодиётида оодликнинг янги  
уфкларини очди, янги-янги гоаявий  
тўлкинлар олиб кирди.

Мана, кўкда куёш. У бор. «Аммо унинг файзи йўк». Мана, тунги ой. Унинг ўзи бору, аммо  
нури сўникдир».

Хонадонларда хаёт кезиб юр  
гандай. Бирок бахт йўкдир уларда.  
Бир замонлар улуг Хиндистон Тагор  
нинг кўз ўнгида мана шундай манза  
раларда гавдаланиб турган. У ўз асар  
ларида бахтсизликнинг хинд хонадонларида бекиниб олиш сабабларини  
чукур текширади. Халк онгидаги ко  
локлик ва  
нодонлик  
иллатлари хам шу бахтсизликнинг узайишига хиз  
мат килаётгалигини ёзувчи жуда кўп  
ўринларда хакконий эътироф этади. Унингча, эскирган карашлар, аллака  
чон умрини яшаб бўлган урф-одатлар тузогидан кутила олмаган халк  
бамисоли окишдан тўхтаётган дарёд  
ир:

*Адо бўлар котиб колган халк,*

*Анъаналар боткоги аро,,.*

Тагор улкан рухиятли шоир. Насрда хам у шоирлик эхтиросига содик колади. Ёзувчининг кўпчилик хикоя ларидаги маънолар шеърий оханглар багридап жой топгандай. Умрида Гангни кўрмаган одам хам Тагор ро манларидаги охангларда бу азим да рёнинг кудратли окими ва ундаги эр кинликни тасаввур эта олади деб ўйлайман. “Адабиёт сўз билан ифода килолмаган нарсасини оханг билан ифодалайди. Оханг сўзлардаги гам-гуссаларга жон багишлайди»,– де ганди у. Адиб оханг оркали сўз ва сув ратларни жонлантириш услубидан ижодида кенг фойдаланган. Бу «улубани кўллаш унинг калб эхтиёжи. Балки шунинг учун Тагор тасвирида ги табиат манзаралари, романтик хаёллар, рухий сувратлар рангин бўёклари билангинамас, мусикий оханглари билан хам фавкулодда умидбахшдир. Аммо энг умидбахши, у яратган кахрамонлар калбидаги Эътикод оханглари. Уларнинг томи рида хун талашган Виждон товушларидир.

Тагор инглиз мустамлакачиларига карши кураш куроли тарзида икки нарсага кайта-кайта ургу беради. Бу лардан бири – эркин Рух. Иккинчи си – маърифатли Акл. «Бизнинг юр тимиз Акл хурлигидан аллакачон лар жудо этилган. У факат салтала тинимас, саволлар бермок шижоатинн х ам йўкотди». Бу – Тагорнинг сўз лари. Худди шу парокандалик ва ак лий танбаллик мамлакатда тафакк урли кишиларнинг озайиб кетишига сабаб бўлганди. Фикрли одамларнинг борлари хам «янги хакикатларни ах тариш билан эмас, эски

акидалар мухофазаси билан» банд эдилар. Ёзув  
чини кийнаган катта муаммолардан  
бири мана шудир.

Тагорни санъаткор «табиб» деб таърифлаш жоиз. Унинг асарлари инсон рухи  
хасталиклари ва калб жарохат  
ларини даволашга хизмат этиши би  
лан гоятда эътиборли. Тагор тушун  
часида боскинчилик юзага чикарган «ташаббус»,  
келгиндилар  
олиб  
келган тартиб-қоидалар халқ ахлоқи ва  
маънавий соғлигини емириб, хинд Рух  
ини мажрухлантирадиган касаллик  
дай нарсалар эди.

Тагор «Муддао» тўпламидаги шеърларидан бирида:

*Гафлат уйкусида ётибди юртим*

*Бежон ва бехуш... Хаёт дарёдаги ожиз кайикдай*

*Сузар маёксиз...*

деган хасрат сўзларини битган эди. Хўш, бир вақтлар шу қадар гафлатга чўккан  
Хиндистон ўз эрки, халқи озодлигини инглизларнинг ёвуз пан  
жасидан қандай қилиб тортиб олди?  
Бунинг сабаблари кўп. Мен шулар  
дан биттасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Абдулла Каххор Тагорга бағишланган мақоласида ёзган: «Мустамлақачилик фақат  
мамлакатни горат

КИЛМ

айди, ундан хам ёмонроги одам  
ларни, халкни рухан горат килади, шундай киладики, кул хаётини кечи  
раётган, инсонга номуносиб хаёт кечи  
раётган одамда шу хаётга карши но  
розилик, исён рухи буткул сўнади». Исён рухидан махрум оломонни хохлаганча эзиш,  
исталган йўлда таккир  
лаш мумкин. У чидайверади. Чи  
дам – эрксизликнинг вккннчи бир  
номи. Чидам – юрт туйгуси доптал  
ган халкнинг яшаш тарзи, кон-кониға  
сингиб кетган манфур одати. Тагор х  
ар бир асариди ана шу одатнинг ил  
дизига болта урган. Кул хаётини ке  
чираётган юртдошларига нодонлик, гофилликларининг туб сабабларини образли  
манзараларда тасвирлаб кўр  
сатган. Хиндлар инглиз мустамлакачилари устидан бирданига галаба  
килгани йўк. Бунинг учун икки аср  
лик узок муддат керак бўлди. Шу  
вакт мобайнида хинд халки, аввало,  
ўзининг устидан ўзи голибликка э  
ришди Яъни, тафаккур тараккиётига тўсик бўлаётгаи колок акида ва  
анъаналарга кескин бархам берилди: кўркоклик, мутелик сўкмокларидан жасорат ва  
миллий гурур йўлларига чикилди:

Курашда ора йўлда гўхташ – Тагор нуктаи назари учун ёт нарса. Шу боис хам ёзувчи  
яратган характер ла  
р фикр ва амалиётда бир-бирлари  
ни тўлдириб борадилар. “Гоурма  
хон” романининг кахрамони Гора  
кайсидир фазилатлари билан Шо  
шибушонга якин ва маслакдош. У хам  
Шошига ўхшаб нурга, зиёга талпи  
нади. Бирок «Чин Хиндистон сий  
моси, улугвор Хиндистон сиймоси»  
дан унинг калби ва хаёт йўли бут  
кул мунаввардир. У эътикодда собит  
. “Хиндистоннинг нималигига  
аклинг етадими? Уни кандай бўлса  
шу холича тасаввур кила оласанми?  
Мана, сен кеча-кундуз шу Хиндистонни деб ишлайсан, кани айт-чи, бу Хин  
дистон ўзи канака?» Бундай саволларга Горада жавоблар аник. Унинг улуг макседи,  
биринчи галда, она  
халкини акли пастлик ва жахолат  
боткогидан куткариш. Бунингсиз у

озодликни тасаввур этолмайди. У багрида келишувчанлик, заррача бўлсин,  
хаксизлик туйгуларини яширган  
Аклга инонмасликка чакиради. Чун  
ки бундай Акл ташки вокеликдаги  
алдов ва ёвузликлар билан олишувда  
хам мугомбирлик килади. Гора инглизларнинг гояларини кабул килишни хўрлик  
хисобламайди, аммо, айни  
иайтда бу гоялар халкнинг ўз кадр-ким  
матини хис килишга ёрдам берол  
маслигини теран биларди. Билгани  
учун хам масканлари ва “эрталаб со  
ат ўндан кеч соат бешгача “кўл” бў  
шамайдиган жойларда – махкама ва корхоналарда Хиндистон йўклигини  
куйиниб сўзлаган.